

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2014 йил
10 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 73 (12709)

www.th.uz

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! КЕЧА ЛОЙИҲА ЭДИ, БУГУН РЕАЛ КОРХОНА

Маълумотларга кўра, ўтган 2013 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўрта Чирчиқ туманида курилиш, енгил саноат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган умумий қиймати 8 миллион 332 минг АҚШ долларилек 21 та истикболли лойиҳа амалга оширилди. Натижада, 450 аҳоли муқим иш жойига эга бўлди. Туман саноатини жадал ривожлантириш, янги корхоналар барпо этилиши, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашда республика Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Мазкур қарор ва вилоят ҳокимининг топшириқлари асосида ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, бу йил режадаги 4 та ўрнига 11 та лойиҳа амалга оширилиб, 97 та янги иш ўрни яратилди.

Аслида, дастур бўйича умумий қиймати 7 миллион 150 минг АҚШ долларилек 11 та лойиҳани босқичма-босқич рўйбга чиқариш ҳисобига 392 та иш ўринлари яратилиши режалаштирилганми, дейди туман



ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Шухрат Ҳошимов. – Тадбиркорликка яратиб берилган имконият ва имтиёزلардан руҳланган бир гуруҳ ишбилармонлар

нинг талаб ва таклифларини инобатга олиб, қўшимча лойиҳаларни амалга оширдик. Натижа ҳам шунга яраша бўлмоқда. Ҳозир саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 150 миллиард сўмга

яқинлашди, келгуси йилга бориб эса 181 миллиард сўмга етиши кутилмоқда. Бу 2012 йилга нисбатан 47 миллиард сўм кўп ёки ўсиш суръати 35 фоизга тенг бўлади.

Айниқса, дастур доирасида иш бошлаган айрим корхоналар маҳсулотларини экспорт қилаётгани ва натижада мамлакатимизга кириб келатган чет эл валютаси оқими кўпайиб, корхона-

ларда ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти йилдан-йилга кучайиб бораётгани диққатга сазовор.

(Давоми 2-бетда).

Азамат АХМЕДОВ
олган сурат.

Пойтахтимиз яна бир йирик ва нуфузли халқаро анжуманга мезбонлик қилмоқда. Бугун "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуида "Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – САИМЕ 2014" ва "Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2014" халқаро кўргазмалари очилди. Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси, "Осиё рамзи" модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, ITE Uzbekistan халқаро кўргазмалар компанияси ва ITE компаниялар гуруҳи ҳамкорлигида ташкил этилаётир.

ЕНГИЛ САНОАТ: ЯНГИ ҒОЯЛАР, ЯНГИ ҲАМКОРЛИК



Бу йилги кўргазмада Бельгия, Беларусь, Британия, Хиндистон, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Люксембург, Польша, АҚШ, Туркия, Япония каби дунёнинг 22 давлатидан 250 нуфузли компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон компаниялари ҳам фаол

қатнашмоқда. Бу хорижлик ишлаб чиқарувчиларнинг мамлакатимизга қизиқиши тобора ортаётгани, бозордаги етакчи ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги соғлом рақобат кучайиб бораётгани билан боғлиқдир. Кўргазмалар мамлакатимиз енгил саноатини янада ривожлантиришнинг

(Давоми 2-бетда).

Пахта – 2014

ОППОҚ ДАЛАЛАР ЧОРЛАМОҚДА

Пахта етиштиришда катта тажрибага эга бўлган 298 та фермер хўжалиги аъзолари 91,5 минг гектар майдонда ҳар йилгидек мўл "оқ олтин" ҳосили

етиштирдилар. Дефолиация сифатли ўтказилган майдонлар бугун оппоқ рангда товланиб, кўзларни қувонтирмоқда, дилларни яйратмоқда.



ладан, пахтачилик тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган бободехқонлар, фахрий пахтакорлар, ил-

гор фермер хўжаликлари раҳбарлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари тантанали маро-



симга тўпланадилар. Бу йилги шундай маросим кунини кеча Окўрғон туманида ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

Даврон АХМАД
олган суратлар.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ



киллари иштирок этган давра суҳбатиде таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимиз Парламентида турли соҳаларга оид аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга қара-

тилган бир қатор қонунлар, шунингдек, тадбиркорликка кенг йўл очиш, текширувларни чеклашга, руҳсатнома ва ҳужжатлар талаб қилишни қисқарттириш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни

ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган қўллаб-қарорлар қабул қилинди. Лекин, янги қонун қарорлар амалда ишлай бошлагандан кейингина самара беради. Шунинг учун депу-

татлар ўз фаолиятларида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратишлари лозимлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, давра суҳбати иштирокчилари қонун ва давлат дастурларининг жойлардаги ижросини таъминлашда депутатлик сўровидан самарали фойдаланилаётгани, назорат қилишда сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг роли ошиб бораётганини қайд этишди.

Суҳбат якунида муҳокама этилган мавзуга оид тавсиялар қабул қилинди.

Ҳасанбой САЎДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

Ў. АЛИМОВНИ ПАРКЕНТ ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Тошкент вилояти Паркент тумани ҳокими лавозимига Алимов Ўктам Нематуллаевич 2014 йил 9 сентябрдан тайинласин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими

А. УСМОНОВ.

Тошкент шаҳри, 2014 йил 9 сентябрь.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ПАРКЕНТ ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Паркент тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Сессия Бўка тумани ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган Ўктам Нематуллаевич Алимовни Паркент тумани ҳокими этиб тасдиқлади.

Маънавият

ОИЛА ВА МАҲАЛЛАНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Ёшлар тарбияси ҳақида гап борар экан мамлакатимиз раҳбарининг: "Соғлом бола – аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир" ёки "...маънавият, одоб-ахлоқ, ибратли қадриятлар, олжановор фазилатлар биринчи навбатда оилда, жамиятда шаклланади" деган сўзлари беихтиёр ёдга тушади. Дарҳақиқат шундай. "Куш уясида кўрганини қилади" дейди доно халқимиз. Шунинг учун қалби эзгуликка мойил ҳар қандай киши оиласи бамаъни, хонадонини файзли инсонни дўст тутати, қариндошчилик ришталарини боғлашни ихтиёр этади, қиз олиб, қиз бергиси келади. Зеро, палаги тоза, қусурлардан ҳоли нихол яхшилик тупроғида, ҳимматнинг ардоғида туп кўйиб, палак ёзади, сархил мева беради. Демак, бола тарбиясига масъул оила, камолотиға дахлдор маҳалла ўртасидаги муносабат туфайли эзгу мақсад ҳосил беради.

(Давоми 2-бетда).

2014 йил – Соғлом бола йили

ФАРЗАНДАРИМ – ДИЛБАНДИМ

Зангиота туманидаги 30-маҳсул мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари имкониятлари чекланган 60 болани соғломлар сафига қайтариб, уларнинг ота-оналарига қувонч улаиши мақсадида меҳнат қилмоқдалар.

2009 йилда маҳсул мактабгача таълим муассасасига айлантирилган ушбу масканда логопед, дефектолог, психолог, педиатр, невро-

патолог, ҳамшира ва 10 тарбиячи болаларни фаол ҳаётга мослаштириш учун турли машғулотлар ўтказишади.

(Давоми 2-бетда).

ТАЙЁРГАРЛИКДА СУСТКАШЛИК БЎЛМАЙДИ

Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида сўнгги беш йилда сиёсий партияларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги роли кучайди, парламент фракцияси, давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари ваколатлари кенгайди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омиллига айланимоқда.

(Давоми 3-бетда).

